

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 498-ҳадис

498/906 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اشْتَدَّ الْبَرْدُ بَكَرَ بِالصَّلَاةِ، وَإِذَا اشْتَدَّ الْحَرُّ أَبْرَدَ بِالصَّلَاةِ؛ يَعْنِي الْجُمُعَةَ.

498.906 Анас ибн Молик розияллоху анху айтади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам совуқ кучайиб кетганда намозни эрта ўқир, иссиқ кучайиб кетганда намозни «салқинлатиб» ўқир эдилар». Яъни жумани.

Юнус ибн Букайр: «Абу Халда бизга «...намозни» деб хабар қилган, жумани зикр қилмаган», дейди.

Бишр ибн Собит айтади: «Абу Халда бизга шундай сўзлаб берди: «Амир бизга жумани ўқиб берди. Кейин Анас розияллоху анхуга: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам пешинни қандай ўқир эдилар?» деди».

Изоҳ: Абу Халда – ҳадисни Анас розияллоху анхудан ривоят қилган тобеъин. Имом Бухорий бу ерда Абу Халдадан бошқалар қилган ривоятда мазкур ўзгаришлар борлигига, Бишр ибн Собитнинг ривоятидаги пешин ҳақидаги саволни келтириш билан жуманинг вақти пешиннинг вақти билан бир хил эканига ишора қилмоқда.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI

